



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-255

2020 йил «6» май
тумани

№ 889

Янгибозор

Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Ядгарова Муборак Сапарбоевна фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Ядгарова Муборак Сапарбоевнанинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сураб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосасига, “Чорва насл” маркази туман бўлимининг хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Ядгарова Муборак Сапарбоевнанинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сураб ёзган аризаси талаби қаноатлантирилсин.
2. Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Ядгарова Муборак Сапарбоевнага Чўболончи қишлоғининг туман ҳокими заҳираси ҳисобидаги №178, 174, 176, 175, 177, 117, 116, 106к, 170, 171, 172-контурида жойлашган умумий ер майдони 54,2 гектар, шундан суғориладиган экин ери 49,5 гектар, арик ва зовурлар 3,7 гектар, йўллар 0,2 гектар, қурилишлар 0,1 гектар, бошқа ерлар 0,7 гектардан иборат ер участкасини чорвачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.
3. Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Ядгарова Муборак Сапарбоевнага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари М.Ядгарова ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.
4. Фуқаро Ядгарова Муборак Сапарбоевнага:
 - ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;
 - туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;
 - ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;
 - ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

5. Ушбу қарорга асосан туман кишлоқ хўжалиги, давлат Статистика, давлат Солиқ боғлиқлари ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз хисоботларига тегишли рақамлар киритсин.
6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.
7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини чуқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.
8. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳокими



Y. Kurbanov

Ў.Курбанов